O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №



O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 23-iyun • № 25 (3854)

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

# БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА

**Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги республикамиздаги каби дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳам кенг нишонланмоқда. Мазкур сана муносабати билан илмий анжуманлар ўтказилмоқда, буюк аждодимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материаллар эълон қилинаётир. Жумладан, Италиянинг Марко Поло институти томонидан нашр этиладиган «Марко Поло» журналининг 2006 йил 2-сонида махсус мақола босиб чиқарилган.**

**Қуйида ушбу мақола чоп этилмоқда.**

2006 йил 9 апрел куни Ўзбекистонда буюк давлат арбоби ва саркарда, Европада «Тамерлан» деган ном билан машҳур бўлган Амир Темурнинг туғилганига 670 йил тўлиши кенг нишонланди.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг илк кунларданоқ, кўп асрлар давомида аждодлар томонидан яратилган улуғ, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Машҳур давлат арбоби, Ўрта асрлар ислоҳотчиси, саркарда, адолат учун толмас курашчи, илм-фан ва маданият раҳнамоси Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва таълим мислсиз даражада юксалди.

Сиёсий майдонга қадам қўйганида Амир Темур эндигина 24 ёшга кирганди. Мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар авж олганди. Устига устак, Чингизхон авлодлари Мовароуннаҳрга тез- тез босқин уюштириб турарди.

Тахминан бир аср давом этган бу даврда Мовароуннаҳрнинг истибдод аламини тортган оддий фуқароларидан то йирик сиёсий арбобларию дин пешволаригача жуда ҳам оғир кун кечирдилар. Жамиятга озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мужассам этган халоскор, доҳий зарур эди. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва йўлбошчи сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлди.

1370 йилда Амир Темур Балхда бўлиб ўтган қурултойда Мовароуннаҳрнинг улуғ амири деб эълон қилинди. Тарқоқликни бартараф этиб, айрим ўлкаларни ягона давлатга бирлаштириш Амир Темурнинг асосий мақсади эди. У давлатнинг пойтахти қилиб Сўғдиёнанинг қадимий пойтахти бўлган Афросиёб харобалари ёнидаги Самарқандни белгилади ва янги шаҳарга асос солди.

**Давоми иккинчи бетда.**



# СЕНГА ИШОНИШАДИ, ЖУРНАЛИСТ!

***Бир қарашда журналист бўлиб, газетада ишлашдан осони йўқ. Ёзганларинг пешма-пеш чиқиб турса, кўча-кўйда сени танишса, мақтаб туришса, бунга не етсин. Халқимизнинг бағри кенг, қаерга борсанг, ҳурматингни жойига қўйишади. Камчилик қаерда йўқ, эртага газетага бир нималарни ёзвормасин, дея бироз ҳайиқишади ҳам.***

***Мамлакатни кезиб юрасан, янгиликларни биринчи бўлиб эшитасан, машҳур кишилар суҳбатдошинг бўлади. Телевизорда кўриниб турасан. Ўрни келганда мансабдорларни саволга тутишинг мумкин. Муаммолар ечимига доир мақолалар ёзиб, тепса тебранмас тўраларни, фирибгару муттаҳамларни ҳажв остига олганингда, салкам қаҳрамонга айланасан.***

Сенга ишонишади, ҳавас қилишади. Ҳузурингга ошиқиб, кўнгилларини ёзишади. Йиллар давомида ҳал бўлмай келаётган муаммолар ечимини топишингга, таъмагирларнинг асл башарасини очиб ташлашингга умид қилишади.

Бугун хорижий мамлакатларга хизмат сафари билан бориб-келиш, ривожланган дунё мамлакатларида ўтаётган нуфузли анжуманларда қатнашиш, катта минбарлардан туриб фикр-мулоҳазаларининг эмин-эркин баён қилиш оддий бир воқеа бўлиб қолди. Ҳаракат қилсанг, сен ҳам борасан, дунёни кўрасан, уни ўзинг учун кашф этасан.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси қўмиталари йиғилишларида, ҳукумат мажлисларида фаол қатнашмоқдалар, уларнинг қонунчиликни такомиллаштириш, турли идора ва ташкилотлар фаолиятидаги нуқсонларни бартараф этишга доир таклифлари инобатга олинмоқда. Айни шу ҳолат кўплаб ёшларни журналистикага оҳанрабодай тортиб келаётир. Бу касбни ихтиёр этаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганининг сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак. Аммо журналистика осонликча, бир ҳамла билан забт этиладиган, орзу-ҳаваснинг ўзи билангина эришиладиган тепалик эмас. У бошқа кўп соҳалар каби мислсиз фидойиликни, заҳматли меҳнатни талаб этади. Бу заҳмат бир умр давом этади, адоғи кўринмайди. Бутун ҳаётингни, ўй-хаёлларингни, завқинггу

*Муҳаррир минбари*

изтиробларингтача қоғозу қалам ихтиёрига топширишинг керак. Замонлар ўзгаргани, йиллар бир-бирини қувлаб ўтгани сари матбуот олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлаверади. Газетхон аталмиш ҳар янги авлод сендан рост сўзни, воқеа-ҳодисаларнинг рост талқинини, янгиланаётган дунёнинг янги қиёфасига доир янги шарҳларни кутади. Бу шарҳларда сенинг ўз фикринг, воқеа-ҳодисаларга муносабатинг ва, албатта, ўз талқининг бўлиши керак. Бусиз газетхонни ёнингга чорлай олмайсан, сўзингга, фикрингга ишонтиролмайсан. Газета ва газетхон ўртасида ишонч кўприги, мулоқот давраси мавжуд эмас экан, ишда унум бўлмайди.

Газетанинг ҳар бир сонида янги сўз айтиш, газетхон онг-шуурига таъсир кўрсатиш осон иш эмас. Чунки у ҳам, худди сен каби, дунёни кузатиб турибди, шу безовта дунё ичида яшамоқда. Унинг ҳам ўз фикри, қарашлари бор. Шўролар замонида газетанинг ҳар айтган сўзи, ҳар билдирган фикри, берган баҳоси ҳақиқатга менгзаларди. Газетада чиқдими, газеталарда ёзилдими, бас, бошқача фикрга ўрин қолмасди.

Бугунги матбуот бундай қозиликдан, оқлаш ва қоралаш, одамлар тақдирини ҳал этиш функциясидан халос бўлди. Энди у жамоатчиликнинг эркин минбари. Энди унда бошқалар ҳам ўз фикрини билдириши, баҳсга киришиши, сизга маъқул келган нарсаларни бемалол рад этиши мумкин. Бугун энди танқид деганлари ҳам кечагидек даҳшатли эмас, бугунги танқид сизга ёрдам қўлини чўзади, нуқсонларингизни кўрсатиб беради. Истиқлол матбуотининг шўролар замони матбуотидан фарқи шунда.

Биз бугун мана шундай янгича, масъулиятли шароитда ишлаяпмиз. Газетанинг ҳар бир сони меҳнат жамоасининг, жонкуяр муаллифларимизнинг, зийрак ўқувчиларимизнинг заҳматли меҳнати, фикр-мулоҳазалари, ҳар бир сўз, ҳар бир ибора устида соатлаб изланишлари эвазига тайёрланади. Чинакам газетачи ҳеч қачон ўз ишидан қаноат ҳосил қилмайди. Кеча, ўтган куни ёзгани бугун ўзига ҳам ёқмай қолади. Янада яхши, янада пухта ва таъсирчан ёзишга ҳаракат қилади. Чинакам газетачи янги фикрлар, янги муаллифлар қидиради, қаерда бир нима “йилт” этса, шунга эътибор беради. Газетанинг айни шу сонига керак бўлган муҳим гапни гоҳ энг таниқли, машҳур одам, гоҳ эса номи ҳали ҳеч кимга таниш бўмаган ёш ҳаваскор ҳам айтиши мумкин. Баъзан катта олимларимиз, тажрибали мутахассислар назаридан қочган нарсаларга оддий бир талаба, оддий газетхон эътибор бериши мумкин. Олий адабиёт курси талабалари, “Маҳорат мактаби”мизнинг тингловчилари ёзаётган мақолаларга эътибор беринг. Бундай пайтда мансаб ёки лавозим эмас, фикр бирламчи бўлиши керак.

Биз шунга ҳаракат қиламиз. Муаллифларимиз давраси кенг. Тиниб-тинчимас тадқиқотчимиз Шариф Юсупов ҳар гал бир янгилик билан кириб келадилар. Олимларимиз Наим Каримов, Нажмиддин Комилов, Санжар Содиқов, Бойбўта Дўстқораев, Эргаш Умаров, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Абдулла Аъзамов, Ваҳоб Раҳмонов, Исмоил Бекжон, Йўлдош Солижонов, Эргаш Очилов ва бошқа кўплаб муаллифларнинг ҳар бир чиқиши баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Тўқсонбой адибимиз Ҳаким Назир болалар адабиёти муаммоларига бағишланган мақолаларимизни ўқиб, болалардай хурсанд бўлиб қўнғироқ қилади. Қирқ йиллик муттасил обуначимиз Абдусаттор ота Амиров таҳририятга келиб, яхши мақола ёзган муаллифларимизга миннатдорлик билдиришдан эринмайди. Ҳар жума эрталаб биринчи бўлиб Маҳмуд Сатторов қўнғироқ қилади. Ҳали ёзиб тугатмаган мақоласини таклиф этишдан аввал газетани бошидан охиригача, ўқиб чиқаётганини эслатиб, қўяди... Бирор-бир мақоланинг бирор-бир жойи ўхшамай қолган бўлса, бу камчилик синчков ҳамкасбимиз Шуҳрат Жабборовнинг назарига тушмай қолмайди. Бизни жуда синчиклаб ўқишади.

Шўролар даври қатағонларининг фидойи тадқиқотчиси Холида Аҳророванинг ҳар бир чиқиши, навоийшунос олимамиз Суийма Ғаниеванинг топилма тадқиқотлари, Ҳамидулла Акбаров, Дилфуза Раҳматуллаева, Рашид Бойтиллаевнинг янги мавзулари, Омон Мухтор, Турсунбой Адашбоев, Эркин Аъзамов, Эркин Усмонов, Абдуқаюм Йўлдошев, Шодмонбек Отабоев, Нормурод Норқобиловнинг ҳикоя ва ҳажвиялари, Дамин Жумақуловнинг фикрли чиқишлари газетхонларга манзур бўлмоқда.

**Давоми иккинчи бетда.**

# “ШАҲРЛАР ОТИНИ МАҲАЛЛОТ ЭТИБ...”

Маҳалла халқимиз ҳаётининг ўзига хос кўзгусидир. Бу кўзгуда фуқаролар ва жамиятнинг кайфияти, халқ донишмандлигининг бекиёс тимсоллари акс этади. Шунинг учун ҳам юртимизда истиқлол йилларида маҳаллага, унинг ўзига хос ҳаёт тарзига эътибор кучайди. Айни кунларда эса маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари сайлови ўтмоқда. Бир ойдан буён давом этаётган бу жараёнда юртдошларимиз фаол иштирок этмоқдалар.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга фаол аралашуви, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг мазкур шакли ер юзининг бошқа жойларида учрамайди. Маҳалла ва унинг бошқаруви бизнинг миллий минталитетимизга хосдир. Унинг илдизи эса бир неча минг йиллик олис тарихга бориб туташади.

Бу йил 2700 йиллиги нишонланаётган Қарши шаҳрининг “Ерқўрғон” тарихий обидасида эрамиздан аввалги II-I асрларда бир неча савдо ва ҳунармандчилик маҳаллалари мавжуд бўлган. Қадимий шаҳарнинг Кулоллар маҳалласи ва Темирчилар маҳалласи тарихчи олимлар томонидан аниқланган. (Рустам Сулаймонов, “Унутилган тамаддун сирлари”, “Маънавият” нашриёти, 2004 йил). Хоразмнинг қадимий қалъа-шаҳарларида ҳам бир неча маҳаллалар бўлган. Гарчи маҳалла номи шаҳар маданиятининг ривожланиши билан боғлиқ бўлса-да, аҳолининг бир жойда ўтроқ ҳолда яшаш анъаналарининг қабила, уруғ шакллари янада қадимийроқдир.




Оқсоқоллар кенгаши кишилик жамиятининг ибтидоий даврларида ҳам мавжуд бўлган. Тўмариснинг қаҳрамонлиги, Широқнинг жасорати Омарг, Саксфар, Оамирс каби оқсоқолларнинг ёвуз ниятли Дорога қарши тузган кенгашлари қадимда оқсоқоллар кенгаши юрт тақдирини ҳал қиладиган қарорлар қабул қилганлигини билдиради.

“Тоҳир ва Зуҳра” достонида Сандиқчилар маҳалласи билан боғлиқ эпизодлар ифодаланади. Бугунги кунда ҳам маҳалланинг касб-ҳунарга оид атамалари мавжуд: “Заргарлик”, “Дегрез” (қозон қуювчилар), “Тақачи”, “Ўқчи” ва ҳоказо. Уруғ номлари, жуғрофий атамалар асосида таркиб топган маҳаллалар ҳам кўп: “Қиёт”, “Калтатой”, “Қашқар”, “Жаркўча”, “Жанггоҳ”, “Олмазор”, “Оқтепа”, “Кўкча”, “Ўрикзор”... Бу номларнинг ҳар бири алоҳида тарихга эга.

**Давоми иккинчи бетда.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

# Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот- кутубхона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

**Давоми иккинчи бетда.**

# ТАНИШ ЧЕҲРАЛАР



Тунларни тонгга улаб, қоғозу қалам билан сирдош бўлиш осон иш эмас. Гоҳида жумлалар қуйилиб келади, гоҳида эса бир сўз илинжида тонгни бедор кутиб оласан. Аммо ёзишинг керак, сўз айтишинг лозим. Айтганда ҳам, ўхшатиб, юракларда акс-садо берадиган қилиб қоғозга туширишинг даркор.

Журналистика бу касбни танлаганлардан бедорликни талаб этади. Бошқалар эътибор бермайдиган нарсаларни кўриши керак у. Ўқувчи унинг ҳар бир сўзи, ҳар жумласидан маъно англасин, даъватларига қўшилсин.

Албатта, бу даражага эришиш осонликча кечмайди. Бунинг учун катта ҳаётнинг катта қозонида йиллаб “қайнаш”, тобланиш зарур. Шундагина қалам чархланади, фикр қуюқлашади.

“Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири, таниқли журналист ва истеъдодли шоира Умида Абдуазимова бу синовлардан аллақачон муваффақиятли ўтган ҳамкасбларимиздан биридир. У бир қучоқ шеърий тўпламлар муаллифи бўлиши билан бирга, матбуотимизда узоқ йиллардан бери самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шеър ёзиш, эҳтимол кимгадир осондир, аммо болаларга атаб ёзиш, болалар учун газета чиқаришнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Бунинг учун бола қалби ва дунёсини англаш, тушуниш зарур. Ҳар икки йўлда ҳормай-толмай ижод қилаётган ҳамкасбимизга янги-янги зафарлар тилаб қоламиз.

**Жамила ЭРДОНОВА**

# ФОТОСАНЪАТКОР КЎРГАЗМАСИ

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида таниқли фотосанъаткор Абдуғани Жумаевнинг шахсий кўргазмаси очилди. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев, Қозоғистондаги Ўзбекистон маданият маркази раиси М.Бакиров, Чимкент вилояти ўзбек маданият маркази раҳбари И.Ҳошимжонов ва бошқалар сўнгги йилларда икки қардош халқ ўртасидаги маданий алоқалар янги босқичга кўтарилаётганини алоҳида таъкидлаган ҳолда А.Жумаев ижодига мансуб фотоасарларнинг бугуннинг долзарб мавзуларига бағишланганини, профессионал фотожурналист ва фотосанъаткор олган суратлар Брюссел, Антверпен, Берлин, Люксембург шаҳарлари ҳамда Япония, Туркия, Хитойдаги кўргазмаларда иштирок этгани, шунингдек, кўплаб шахсий кўргазмаларда сақланаётганини эътироф этдилар.

А.Жумаевнинг “Афшона”, “Аския”, “Эскижўва”, “Туш”, “Бухоролик уста” каби асарлари сюжетларининг оригиналлиги, бетакрор манзаралар замиридаги тасаввур ва тафаккур уйғунлиги билан томошабинларда катта таассурот уйғотмоқда. Бу фотосуратларда муҳрланган ўтмиш ва бугуннинг манзаралари ҳаётга ва кўз ўнгимиздаги биз анчайин кўниккан атроф-муҳитга янгича кўз билан қарашга ундайди.



**Сирожиддин САЙЙИД** *Шеърий лаҳза*

# “ТОШКЕНТ ОҚШОМИ”га

**Устоз Ғафур Ғулом дуоси билан**
**Парвозин бошлаган уйғоқ газетам.**
**Сен борсан — қалбимнинг туғроси баланд,**
**Асло якун топмас менинг қасидам.**

**Элнинг хавотиру оғриқларидан**
**Юпанч, тасаллидай бунёдга келдинг.**
**Машъум зилзиланинг ёриқларидан**
**Оқ атиргул бўлиб дунёга келдинг.**

**Ярми вайрон уйнинг эшигин излаб,**
**Шитирлаб хушхабар келтирган ўзинг.**
**Жажжи чақалоқнинг бешигин сийпаб,**
**Салқин саболарни елдирган ўзинг.**

**У пайтлар биз ҳали ёш бола эдик,**
**Завқу орзуларга лиммо-лим юрак.**
**Томларда югурган гуллола эдик,**
**Гўзал оқшомлардан бергансан дарак.**

**Ҳали “Маҳаллада дув-дув гап” — ҳаёт,**
**Ўлмас Лутфихоним ая сиймоси.**
**Шундадир дилларга нур берган баёт,**
**Шундадир меҳрнинг асл кимёси.**

**Мен баҳордан қолган қалдирғоч эдим,**
**Қалдирғоч қайдадир қишламоғи шарт.**
**Қалдирғоч, айниқса, ёш шоир бўлса,**
**Энг аввал “Оқшом”да ишламоғи шарт!**

**Тошкент қизларининг кўйлакларида**
**Бир сатрдан шеърим, шодлигим қолган.**
**Ҳар бир саҳифангнинг йўлакларида**
**Муҳаббатим қолган, ёшлигим қолган.**

**Азиз устозларга мен қўйиб ихлос,**
**Ранжу заҳматларин кўргандим бунда.**
**Ҳаётнинг шафқатсиз кўзларига рост,**
**Тик қараб яшашни ўргандим бунда.**

**Бунда ҳар бир ниҳол келинчак бўлгай,**
**Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг.**
**Кўприклар эврилиб келажак бўлгай,**
**Оламга остонам — пойтахтим менинг.**

**Устувор қўрғонсан — чин дўстларингу**
**Кексаю ёшларнинг тилакларида.**
**Эзгулик аркасин устунларию**
**Турналари билан лайлакларида.**

**Фақат кўнгиллардан таралсин ёлқин,**
**Бағринг бутун бўлсин, яро бўлмасин.**
**Оқсарой мисоли мунаввар қолгин,**
**Оқшоминг ҳеч қачон қаро бўлмасин.**

*Эътироф*

# ЯХШИ АСАР КАМ ЭМАС...

Ҳар гал бир китобни ўқиб бўлгач, иккинчисини қўлимга олаётганимда, адабиёт ўқитувчимизнинг “Бир кун бадиий китоб ўқимасанг ҳам, жаҳолатга юз тутган бўласан” дея ўргатганлари ва бизга янги-янги китобларни тавсия қилганлари ёдимга тушаверади. Бадиий китоб маънолар хазинаси, ақл ва тафаккурни чархловчи, дилни нурафшон айлаб, олам-олам орзулар қанотида парвоз эттирувчи восита. Инсон асар қаҳрамонларининг яхши сифатларини ўзида кўришни истайди. Шунинг учун ҳам биз адабий китобни ҳеч иккиланмасдан “комилликка элтувчи йўл” дея аташимиз мумкин. Шундай асарлар борки, уни ўқиётганимизда, гўёки ўша оламда, ўша қаҳрамонлар билан юргандек ҳис қиламиз, ўзимизни.

Бадиий китоб ўқимаслик эса, тафаккурни ўтмаслаштиради, савиянинг сустлашишига, ҳаётга қизиқмасликка, орзуларнинг армонга айланишига олиб келади...

Ҳозирги пайтда ёшларимизнинг бадиий китоб ўқишга қизиқишлари қай даражада? Изланиб, ахтариб китоб ўқийдиганлар камайиб кетмаяптими?

Шу маънода ойнаи жаҳоннинг “Ассалом, Ўзбекистон” дастурида “Тавсия” рукнининг очилгани китобхонларни янги асарлар билан таништиришда айни муддао бўлди. Бу борада “Тафаккур” журнали саҳифаларида таниқли адибларнинг ўзлари ўқиётган китоблар ҳақидаги фикрлари бериб борилаётгани ҳам табриклаш керак.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА**

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI —
MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05; Faks: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

*Хизматлар лицензияланган*

Азим СУЮН



## САНГАРДАК ШАРШАРАСИ

Норраҳматга

Ҳисор тоғларининг
бир биқинида
Қат-қат қояларнинг бағрини ёриб,
Баҳайбат шаршара
отилиб чиқар,
Сўнг шер ёлларидек оқар ёйилиб.
Сув пардаси орти —
яшил салтанат —
Ковак-ғор сирлари чорлар ўзига.
Йўсинлар қоплаган
деворларининг
Тушуна олсайдинг асрий сўзига.
Бунда қўноқ бўлган
бир пайтлар Бобур,
Толим толаларга термулган мафтун.
Илоҳий дурлардан
ҳовучлаб ичиб
Билмадим, қандайин ажралган ул кун.
Шаршарада ўйнар
қуёш нурлари,
Шаршара эмас бу, ўзбек шойиси.
Йўқ, бу оқ ҳилпироқ
қуйруқларидир
Ҳисор яйловларин қулун-тойисин.
Олган каби абад
ҳимоясига
Бош узра жуфт бургут учар айланиб.
Билмайди, Сангардак
шаршарасига
Девона шу жоним қолган бойланиб.
Мўъжиза қураман
ҳар заррасида,
Шарҳини тополмай тилларим лолдир.
Жон олдирсанг, Эгам,
йўлли дунёда,
Шу тенгсиз чиройнинг олдида олдир.
Унинг бир зарраси, —
рамақижон дам —
Қурушқоқ лабимда бир зум олсин тин.
Сўнг, майли, бу Азим
ўтсин дунёдан,
Унинг сувларида танам ювилсин.

## ДЎСТ ТОПГАНДАЙ ҚУВОНДИМ...

Тезроқ етай дебман, оҳ,
саҳрони кесиб ўтсам.
Саҳро йўли, мана, не,
кўриб турибман шундоқ.
Офтоб ура бошлади
йўлимнинг бошидаёқ.
Узая борар манзил,
қочиб борар қораси.
Ў, менинг кўзлашимча
яқин эди ораси.
Кўз олдимда жимирлар
ажиб-ажиб маъволар.
Бошимни карахт қилди
исиётган ҳаволар.
Тол тушга борганимда
осилиб қолди тилим.
Чоғроққина сувдонда
яхшиям сув олганим.
Дикрайтириб калласин,
одамни кўрмагандай
келиб-тўхтаб қарайди
калтакесак қирағай.
Шувоқзордан бир тутам
юлиб олиб ҳидладим.
Дармон бергандай бўлди,
кетгандай бўлди дардим...
Яхшиямки, бор экан
унда-бунда тўрғайлар.
Пириллар бош устимда
ҳориб-толма, дегандай.
Йўлимни кесиб ўтди
сакраб-сакраб товушқон.
Милтиғим бўлса эди
қонингни совутишга...
Оҳ, аста, секин-секин
бошланди бир ваҳима.
Шом тушарди... шом нима,
тугаётган шамъ нима?...
Манзилимдан дарак йўқ,
чамамдан адашдимми?
Лаънати бу саҳрода
ҳеч нарса қарашмайди.
Тамом, дедим, вассалом,
тақдирим шу экан-да.
Эрта кимдир айтади:
«Қашқирга ем бўлган-да».
Кўп эди умидларим,
умрим узун дегандим.
Ёрижоним қадрини
кўп-да ҳам билмас эдим.
Уршиб-туртиб сўкибман
болаларимни нега?
Йўлларини топарди
улғайишиб ҳадемай...
Кимларни қувонтирдим,
кимларни қилдим ҳафа.
Мансабдор ҳам бўлганман
қанча йил, қанча дафъа.
Ҳақу ноҳақ сўз айтдим,
илонни тўғри дедим.
Йўқ, эгри, деганларга,
йўлларинг эгри, дедим.
Отам тушди эсимга,
хизматин қилолмадим.
Онажоним олдига
вақтида боролмадим.
Жигарларим, бир талай
ёрдамимни аядим.
Уларнинг кўзигамас,
ёт кўзларга қарадим.
Умрим қайта бошланса,
бошлардим қайта ҳаёт...
Қилар эдим яхшилик
ҳамма учун ҳамма вақт!
Мадорим қуриб борар,
сувдонимда сувим кам.
Ҳаётим тугаб борар,
айланмоқда тунга шом...
Кўриб қолдим баногоҳ
уч-тўртта саксовулни.
Дўст топгандай қувондим,
уларга бурдим йўлни.
Бас, шу ерда тунайман,
нима бўлса бўлади.
Одамзот-да... бир куни
қайда бўлса ўлади.
Қайта-қайта қайтардим
«Худо...» дея калима.
Ахир ўлгим келмасди
саҳрода беномгина.
О, ваҳима, ваҳима,
ўлимдан қўрқинчлироқ.
Кўзларимга кўринар
ҳамма бало — ҳамма ёқ...
Қашқирнинг ё шақалнинг
«Ув» тортганин эшитдим.
Потирлаб учди бир қуш
юрагимни тешгудек.
Бир тулки аланг-жаланг,
мени кўриб қотди тек.
Кейин кетди бепарво
гўё менга дегандек:
«Ахир бизнинг маконда
«Жуфтоёқ»қа нима бор.
Ҳар кимса жой-жойида
яшамоғи шарт, даркор».
Ҳавони кесиб ўтди
мен билмаган қиличлар.
Сувдан бир ҳўплаб олдим,
ёришди бироз ичим.
Кейин нима, билмайман,
ёришиб келарди тонг.
Саксовул айрисида
тирик турибман ҳамон...
О, ҳаёт қанча тотли,
қанча ширин яшамоқ.
О, айниқса, саҳродан
ўтиб... бир ош ошамоқ.
Манзил сари тез етай
деган эдим, шошдим мен.
Қисматга бир юз буриб,
йўлимдан адашдим мен.
Саҳрода бир сақлади...
(Сақласин доим Эгам.)
Ва англадим: Йўл яхши
гарчи эгри бўлса ҳам.

## ЙЎЛ

Худо урармиди, о,
тўғри йўлимдан кетсам.

### ЎША КУНИ...

*Ўша куни синди шуур,*
*Ўша куни қайтди шаштим.*
*Мен сиз билан эмас ахир,*
*Мен ишқ билан хайрлашдим.*

*Ўша куни тоғдай туғён,*
*Миниб кетди ҳур отига.*
*Бир томчи ёш нима бўпти,*
*Шундай ишқнинг ҳурматига.*

*Ёнгинамдан учар лочин,*
*Етмас ҳатто пайкон отсам.*
*Не бўпти шу ҳижрон ҳаққи,*
*Ўзимни бир зум йўқотсам.*

*Шу хушбичим висол эмас,*
*Ҳажр билан қилолсам маст.*
*Сўнгра шафақ акси аро*
*Мен осмонга бўлсам пайваст.*

*Ким гаровга жон қўядир,*
*Ким тан олмай ичар қасам.*
*Нима бўпти бир қоғозу*
*Бир қаламга кўнгил очсам.*

*Ўша куни синди шуур,*
*Ўша куни синди шаштим.*
*Кимдир билан эмас, ахир*
*Мен ишқ билан хайрлашдим.*

### БИР ЭРКАЛИК ҚИЛСАМ

*Камалак эркадир, осмон кўтарар,*
*Капалак эркадир, ҳар ён кўтарар.*
*Балки дунё гўзал бўлмасди бусиз,*
*Бир эркалик қилсам, кўтарармисиз?*

*Эркадир қизғалдоқ адир кўксида,*
*Нурлар эркаланар нурлар аксида,*
*Олам аламини менга тўкса-да,*
*Бир эркалик қилсам кўтарармисиз?*

*Эркаланса, турна қатордан қолар,*
*Балки қузи, балки баҳордан қолар,*

Назира МАТЁҚУБОВА

## Сиз мени соғиниб яшайсиз



*Наҳот дилга шунча ғулғула солар?*
*Бир эркалик қилсам кўтарармисиз?*

*Осмон эркаланса, кўк қорилади,*
*Тоғлар эркаланса, ер ёрилади,*
*Гўзалликка ахир тик борилади,*
*Бир эркалик қилсам кўтарармисиз?*

*Ҳаёт шундай гўзал, шундай кўзқиймас,*
*Жилвалари шундай ўзини тиймас,*
*Замон охирламас, охират куймас,*
*Бир эркалик қилсам кўтарармисиз?*

*Замин бир залворли буюк шармикан,*
*Қувватидан сизга улашармикан?*
*Балки кўтарарсиз заминдай, бироқ*
*Шу эркалик менга ярашармикан?*

*Камалак эркадир, осмон кўтарар,*
*Капалак эркадир, ҳар ён кўтарар...*

### ВИСОЛНИ ЭРКАЛА...

*Алвонранг гулларни қучоғингга ол,*
*Висолни эркала, ҳар чоғингга ол,*
*Йигитлик недадир сўроғингга ол,*
*Фарҳоднинг сийратин қароғингга ол,*

*Бир бора келар ишқ ардоғингга ол,*
*Ҳижронни сургила, фироғингга ол,*
*Сен ахир бир уйнинг шамчироғисан,*
*Тундан қўрқар шу қиз, чироғингга ол...*

### ИҚРОР

*Гўё уфқ ёришар кечикиб,*
*Дилингиз қийнайди ичикиб,*
*Ҳижронга қасдма-қасд ўчакиб,*
*Сиз мени соғиниб яшайсиз.*

*Иримлар қиласиз, лаб учар,*
*Тишингиз асабий ғичирлаб,*
*Бир сатр шеъримни пичирлаб,*
*Сиз мени соғиниб яшайсиз.*

*Атиргул кулганда ғунчалаб,*
*Ёнида китобим ҳижжалаб,*
*Шу бебош юракни панжалаб,*
*Сиз мени соғиниб яшайсиз.*

*Баҳорнинг кафтида куртаклар,*
*Қишни овутади эртаклар,*
*Қирқингизда бўлиб эрмаклар,*
*Сиз мени соғиниб яшайсиз.*

*Кўнгилнинг устидан ғолиб мен,*
*Лек ғолиблигимдан нолиб мен,*
*Негадир ўзгариб қолибмен,*
*Мен сизни соғиниб яшайман.*

Тоғларга туташ боғлар.



Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

# КЎНГЛИ КЕНГ БИР МАЙДОНДАЙ...

## Қорақалпоқ адиби Шароп УСНАТДИНОВ билан суҳбат

**— Шароп ака, суҳбатимизни кутилмаган бир савол билан бошламоқчиман: — 60 ёшдан ошган чоғингизда сиз ўзингизни кўпроқ қайси касб эгаси деб ҳисоблайсиз? Бундай савол бераётганим сабаби, умр бўйи журналистиканинг нонини еб келгансиз, лекин умрингиз асосан раҳбарлик лавозимларида ўтиб келмоқда...**

— Музаффар иним, бу саволингизга қисқача қилиб, ишонарли тарзда: "Умр бўйи халқ ҳаётини, турмушини кузатиб келаётган журналистман" деб жавоб бериб қўя қолсам ҳам бўларди. Бироқ сизнинг саволингиз замирида бир-иккита изоҳталаб ўринлар бор. Ростдан ҳам, сиз эслатиб ўтгандай, меҳнат фаолиятимнинг асосий қисми раҳбарлик лавозимларида ўтди. Гарчи журналистика соҳасидан йироқлашган бўлсам ҳам, мақола, публицистик асар ёзишни, таҳлил-тадқиқот ишларини, ижодимни тўхтатмадим, оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда, фаол қатнашиб келаяпман. Тўғрисини айтганда, кундалик турмуш нисбатан теран тасвирланган, бадиияти аввалгиларидан анча пухта асарларим кейинги йиллар ичида қоғозга тушди.

Ҳар гал, мени бошқа бир соҳага раҳбарлик лавозимига тайинлаганларида юрагимнинг туб-тубидан бир ҳадик ўтади. "Бир журналист бошлиқ бўлиб келди-ю, ишларимиз ортга кетди..." деган дашномни орттириб олмасмикинман? Худога минг қатла шукур, қаерда, қай соҳада ишламайин, касбдошларим шаънига доғ туширмадим.

**— Ундай бўлса, Шароп оға, бундан кейинги саволларимни ҳам бевосита журналистлик касбидан, ижодкорлик ва раҳбарлик машаққати, маъсулиятидан келиб чиққан ҳолда берсам. Зеро, сиз бутун умрингиз мобайнида мана шу уч жиҳатни қўшиб, биргаликда намоён қилиб келаётирсиз. Хўш, журналистнинг ўзи ким? Журналистдан чиққан раҳбар одамнинг бошқа раҳбарлардан қандай фарқли томонлари бор деб ўйлайсиз?**

— Журналист ким эканини, бу касбнинг талаблари, бурч ва масъулияти ҳақидаги гапларни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Яхшиси мен раҳбар-журналистнинг бошқа раҳбарлардан фарқи борасида мулоҳаза юритиб кўрай. Тажрибали журналист, энг аввало, турмушнинг турли қатламларига кириб кўрган, турли хил одамлар билан муомала қилган, яхши мутахассисни ҳам, бюрократ-амалпарастни ҳам, чаласавод раҳбарни ҳам кўп учратган, синаб кўрган, туҳматчию фисқ-фужурчилар билан беллашган, ҳар томонлама саводли муаллифларнинг ёзганларига қалам теккизган, таҳлил қилган, қўйингки, кўрмагани қолмаган бўлади. Шунинг учун у камчиликларга бефарқ қарай олмайди, жим туролмайди, адолатсизлик юз берса, халқ ва давлат манфаатларига зиён етадиган вазиятларни кўрса, жунбушга тушади, журналистлиги тутиб кетади. Ўзингизга маълум, журналистнинг қизиқувчанлиги ҳеч қачон сўнмайди, тўхтамайди.

**—Мен сизнинг бадиий асарларингизни, мақола ва нутқларингизни яқин йигирма йиллардан буён ўқиб-танишиб келаман. "Кимга кеч, кимга тонг саҳар..." номли салмоқлигина китобингизни ўқиб, сизни синчков адабиётшунос, тилчи одам, тарихнавис ва этнограф сифатида ҳам таний бошладим. Ардоқли шоиримиз Ибройим Юсупов билан қилган суҳбатингиз матбуотда эълон қилингач эса, сизнинг ижодингизга қизиқишим янада ортди. Айтмоқчи бўлаётганим, айнан ҳаётда маълум бир довонларни босиб ўтганингиздан сўнг, ижодингизда ҳам ички бир кўтарилиш, янги тўлқин, ҳаётийлик пайдо бўлгандай. Сизнингча бу ижодий тўлқин — ёш билан боғлиқми ёки янги замон талабларидан келиб чиққан публицистик кўтарилишми?**

— Суҳбатимизни бевосита ижодий йўналишга буряпсиз. Келинг мен сизга ўзимнинг ижодий тамойилларим, журналистлик эътиқодим ҳақида айтиб берай, жавоб ҳам шундан чиқиб қолар. Мен газетачиликда дастлаб иш бошлаган давримданоқ воқеаларни кўп бўрттирмай, ўқувчи ишонадиган тарзда ёзишга одатланганман. Режани икки юз фоиз ортиғи билан адо этган механизаторга ҳам "қаҳрамон" деган сўзни қўлламай, бу улуғ сўзни қадрлаганман. Ўзимизда чиқадиган газеталар, телевидение ва радиода ўлчовсиз мақтовларга қарши "Баландпарвоз, кўпирма сўзлар" деган мақола ёзиб, мажлисларда гапириб, курашиб келяпман. Сиз юқорида тилга олиб ўтган китобимдаги "Йирик шохли қорамол (ўзимизнинг "қорамол"деган сўз қолиб, рус тилидаги "крупно рогатый скот" иборасининг таржима нусхаси) қайдан чиқди?" сарлавҳали мақолам ҳам шу масалага бағишланган. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда турли нашрларда, айниқса, янгидан чоп этилаётган газета ва журналларда тилимиз қоидаларига риоя қилиш даражаси бир мунча сусайди. Нотўғри иборалар, сўзлар, қоришиқ жумлалар истаганингизча топилади.

Айтмоқчи бўлаётганим, одамга ёшлигидан сўз масъулияти, сўзга ҳурмат ҳисси берилган бўлса — унинг ҳаётий, ижодий тажрибаси ортиб бораверади. Шу тариқа ўзинг ҳам турмуш ҳақиқатини ҳурматлаш, уни вужудингда ҳис қилишинг туфайли, бошқалар ёзган баландпарвоз нарсаларни, нордон, хом-хатала сўзларни такрорламайдиган бўласан.

Энди сиз айтиб ўтган "ижодий тўлқин" нимадан иборат — шу ҳақда мулоҳаза юритсак бўлар. Менимча, бу ижодий тўлқин — юқорида айтиб ўтилган, қўл ўрганиб, амалиётда тўпланган тажрибаларга бевосита боғлиқ бўлган жараён. "Яхши бўлиш қанақалигини ёмондан ўргандим" деган ибора бор. Бошқаларни билмадиму, мен касбдош журналистлар ёзган сийқа, кўпиртирилган мақолаларни ўқиганим сайин тавба қиламан, жимжимадорликдан қочгим келади.

Шу ўринда нотиқлик ва нутқ масаласига ҳам тўхталиб ўтсам. Лавозимим тақозосига кўра, айтилажак нутқимни, маърузаларимни ўзим қўлда ёзиб чиқаман, сабаби, бошқа бировнинг қўли билан ёзилган матнни ўзимники сингари ишонч билан ўқий олмайман. Ёзсам — залда тинглаб ўтирган оддий одамлар учун ёзаман. Нутқларимни қоғозга тушираётганда ҳам публицистик руҳни сақлашга, композицион пухталикка асосланиб, образли сўзлар билан ёзишга ҳаракат қиламан. Оддий тингловчи ҳаракатдаги (амал қилинаётган) қонунларни бир икки ўқигани билан тушунавермайди. Нутқ ҳам шунга ўхшаб қолмаслиги учун, мен сиёсий, техникавий, илмий терминларни оз қўллайман, боиси яна ўша — оддий тингловчи тушунмай қолиши мумкин. Қолаверса, мен жуда ҳадиксираб, қўрқиб қолган нарса — телевидение орқали эфирга тайёргарлик кўрмасдан чиқиш ёки катта мажлисларда матнсиз гапириш. Ўзинг журналист, зиёли одам бўлсанг-у, телевидениеда саводсиз гапириб қўйсанг, 40-50 йилдан бери тўплаган обрўйингни бир баҳяда тўкиб қўясан.

Адабиёт билан журналистика бир-бирига жуда яқин, оға-ини, эгизак касблар. Бу соҳаларда асарга қўйиладиган талаб, стандарт, жанрлар ўлчови — бари бир хил. Тил хусусиятларини яхши билган, уларни ўрнида қўллаган, статистика қонун-қоидаларини етук ўзлаштирган журналистнинг адабиётчи ёки ёзувчи бўлиши осон кечади. Тарихий ҳақиқатни ўрганиш, давр нафасини ҳис қилиш ёзувчи одамни этнографияни чуқур билишга ундайди. Журналист бадиияти заифроқ асар ёки мақола ёзиши мумкин, бироқ тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатишга, баъзи бадиий асарлардаги каби лирик ё афсонавий чекинишларга, хаёлпарастликка йўл қўя олмайди. Журналистика — адабиётга нисбатан икки карра икки — тўрт, дегандай аниқликни талаб қилувчи соҳа.

**— Мен сизга юқорида "этнограф" деган сифатни бежиз қўлламадим. Зеро, сиз мақолаларингизда, асарларингизда халқ ҳаётини, тилини, қадриятлари ва урф-одатларини чуқур биладиган, тарғиб қиладиган, пайти келганида ҳимоя ҳам эта оладиган ижодкор сифатида ҳам намоён бўласиз. Аслини олганда, бу куюнчакликни халққа садоқат, аждодлар руҳига ҳурмат, фидойилик деб тушунса тўғри бўлади. Айтинг-чи, Шароп оға, қорақалпоқ халқи маиший турмуш тарзида, маданияти ва маънавиятида жаҳонга кўз-кўзлайдиган, ибрат қилиб кўрсатадиган қандай хислат ва жиҳатлар бор деб ўйлайсиз?**

*Адиб ва жамият*

— Улуғ ижодкорлар ҳар қандай сиёсий тузумда ҳам "менинг халқим, менинг миллатим, менинг ота-бобомнинг айтганлари" деган сўзларни пайсалламай туриб, дадиллик билан айта оладилар ва шу билан жаҳон бадиият хазинасига муносиб улуш қўшадилар. Зеро, мана шундай ижодкорларнинг фидойилиги туфайли, халқ маънавияти қад тиклайди, янги-янги жасур авлодлар пайдо бўлади. Тўғри, собиқ иттифоқ мафкураси тазйиқ ўтказиб турган бир пайтда "менинг халқим" деган гапни оғзимизни тўлдириб айтолмасдик. Лекин ёзган асарларимизда халқимизнинг урф-одатларига, эл-юрт учун жонимизни аямаслигимизни самимий билдириб, муҳаббатимизни изҳор қилардик. Лекин шунда ҳам ёзганларимиз ичидан хато-нуқсон изловчи, уларга кўз олайтириб қарайдиган каслар топиларди.

Қорақалпоқ халқининг маиший турмушида, урф-одатлари ичида бошқа халқларга ўрнак бўлгудайин нарсалар, қадрият деб улуғлашга арзийдиган хислатлар бор, албатта. Буларнинг кўпчилиги қаҳрамонларимиз — Тўлепберген Қаипбергеновнинг тарихий полотноларида, Ибройим Юсуповнинг назмий дурдоналарида ўз аксини топган. Шундай бўлсаям, бир мисолни тилга олиб ўтай. Халқимизда "супрақоқди" — яъни, "кенжа фарзанд" тушунчаси бор. Кўпинча бирор одам қартайиб, мункиллаб қолган пайтларида фарзанд кўрса, исмини шартли равишда "Генжабой" деб қўйиши ҳам шундан. Майли бу ота аввал ҳам беш-олти фарзанд кўрган бўлсин, улар бари бой яшаб, Генжабой эса камбағал яшасин, барибир ота-она қартайган чоғида мана шу фарзанд қўлида қолади. Қадимдан келаётган одатимиз шу — ота-она Худо фармонини мана шу фарзандининг уйида бажо қилади, шу ердан боқий дунёга отланади. Ота-она "қартайган чоғимда қаровсиз қоларман, кўмувсиз қоларман" деб ташвиш чекмайди. Ортда қоладиган мол-давлатгаям шу бола меросхўр бўлади. Ҳозир баъзи Европа мамлакатларида кўзи тириклигида ўзига қабр тайёрлатиб, тобут ясаттириб, дафн маросимларига олдиндан ҳақ тўлаб юрган, ё бўлмаса, уйида кимсасиз, сўққабош яшаб, оламдан ўтиб қолгач эса, бир ойдан сўнг кўмилган одамлар ҳақида ўқиганимизда, киноларда кўрганимизда, мен ўзим халқимнинг ўша "кенжа фарзанд" борасидаги урф-одатларидан жуда рози бўламан, дунё халқлари бизнинг халқдан шу жиҳатларни ўрганса экан, дейман.

Адабиётдан мисоллар келтирай. XIX асрда яшаб ўтган мумтоз шоиримиз Ажиниёз (1824-1878) халқимизни: "Ўтрик сўзни ростдай қилиб айтмаган, бош кессанг-да, тўғри йўлдан қайтмаган" деб тарифлайди. Халқнинг бутун фазилати ҳам илоҳиётдан берилган бир неъмат (ёки қадрият) бўлса керак. Ажойиб рус шоири Михаил Луконин қорақалпоқлар ҳақида: "Бир халқ кўрдим, оғзини очса, қовурғаси орасидан покиза қалби кўринади" деган образли бир таърифни келтиради. Бу энди — қоралпоқ халқининг азал-азалдан оққўнгил, оқ ниятли халқ эканига ишора. Оқсоқол шоиримиз Ибройим Юсупов айтган таърифларига қулоқ осайлик, у шундай дейди:

**Бор билгани — оғзида,**
**Шалдироқ қорақалпоғим.**
**Жон шуъласи кўзида**
**Жовдироқ қорақалпоғим.**
**Кўнгли — кенг бир майдондай,**
**Томга юлдуз ёйгандай,**
**Пишиб турган наймандай,**
**Гавдироқ қорақалпоғим.**

Бу сатрларда улуғланаётган қорақалпоқ халқининг ижодий фазилатлари дунёнинг кўпгина халқларига намуна бўла олади, деб ўйлайман.

**— Устозларингиз ким бўлган?**

— Ўрта мактабда адабиёт фанини ўқитган марҳум муаллимим Есемурод оға Тажимуродовни (жойи жаннатда бўлсин) биринчи устоз сифатида ёдга олиб ўтгим келади. У киши жуда билимдон, ўз фанининг етук мутахассиси эдилар. Болаларни адабиётга, китоб мутолаа қилишга қизиқтира оларди.

Журналист бўлиб етишувимда бевосита устозлик қилган инсонлардан бири — Озод Бердишевни ҳам шу ўринда тилга олмасам бўлмас, сабаби, у киши мендан сал олдин Тошкент университетининг журналистика бўлимини битказиб чиққан, ўзининг адолатли сўзи, истеъдоди, ёлғон сўзга, баландпарвозликка қарши кураши билан 60-70-йилларда кўпчилик қаламкашларга ўрнак бўлди, қорақалпоқ журналистикаси тарихида ўзига хос из қолдирди. Айтгандай, "Шарқ юлдузи" журналида ўтган йили "Менинг Озод дўстим" деган эссе-ёдномам чоп этилди. Бу асарда мен Озод Бердишев феномени ҳақида гапирар эканман, унинг ноёб истеъдоди, қорақалпоқ журналистикасига қўшган улушини ёритиб беришга ҳаракат қилдим.

**— Бугун сиз ўзингиз ҳам бир қанча ёшларга оқ тилаклар билдириб, уларни катта ижод йўлига бошламоқдасиз. Устоз сифатида шогирдларингиздаги қайси хислат ва жиҳатларни кўпроқ қадрлайсиз?**

— Журналистика соҳасида, ижодда бировнинг қўлидан етаклаб юриб устозлик қилиш мумкин эмас. Бундай устозлик этикдўз, темирчи ёки тикувчилик касбида бўлиши мумкин, журналистикада эса устоз-шогирдлик сал бошқачароқ кечади. Республика миқёсидаги газеталарда, телевидениеда раҳбарлик қилиб юрган вақтларимда деярли барча матбуот воситаларини, даврий нашрларни кўздан кечириб борардим. Таҳририятда тайёрланадиган кўламли мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар матнини кўрмасдан ўтказиб юборган вақтим жуда сийрак бўлган. Мана шу жараёнларда қанча-қанча мақолаларни чизиб, қайта ишлаб, муаллифлар билан талашиб-тортишиб, баҳслашганларим — ижодкорлар учун ҳам, ўзим учун ҳам маҳорат мактаби бўлган. Айтмоқчи бўлаётганим — журналистикада устозлик, тажриба — мана шундай аниқ-муайян ишлардан, кўрсатма ва топшириқлардан жамланади. Шундай экан, "фалон журналист — менинг шогирдим", деб айтиб бўлмайди. Сабаби, журналист сифатида фақат биргина одамдан ўрганиб қолмайди. Агар унинг ўзи: "Фалон ижодкордан ўрганганман, менинг устозим шу киши" деса — бу бошқа гап.

Бир қатор етук журналистлар ўзларининг мақола ва хотираларида, суҳбатларида мени ҳам эсга олиб, "Шароп оға менга устозлик қилган" деб ёзганларини ўқидим. Қачондир, қайси бир воқеа ё иш юзасидан устозлик қилиб йўл кўрсатган бўлсам, маслаҳат берган, қўллаб-қувватлаган бўлсам, мени ўзи тан олиб эсласа — шу маъқул.

**— Ўқувчи қавмига айтадиган гапларингиз, тилакларингиз?**

— Ҳозир шу пайтда замондошларимиз такрорланмас тарихий воқеаларни бошдан кечирмоқдалар. Биринчидан, биз мана 61 йилдан буён уруш даҳшатларидан омонмиз. Биздан олдин яшаб ўтган ҳеч бир авлод бундай тинч йўл билан ривожланиб, ижод қилиш имкониятига эга бўлган эмас. Иккинчидан, янги, мустақил ҳаётга қон тўкишларсиз эришдик. Булар бари — жуда катта неъмат.

Эндиликда улкан ижтимоий ислоҳотларга ҳам ортиқча қийинчиликларсиз эришиш имкониятлари бор. Яна, жамиятимизда шундай имкониятлар яратиляптики, қўлингдан нимаики келса, неларга қодирлигингни кўрсатмоқчи бўлсанг — марҳамат, ўзингни, истеъдодингни намоён қил! Мана шундай эзгуликлар замонида яшаб, ижод қилиб, асарлар яратганга нима етсин?!

Музаффар АҲМАД суҳбатлашди.

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# СИЗ ҚИЙНАЛМАНГ ДЕЙМАН-ДА...

**«ШУМЛИКЛАР» ТУРКУМИДАН**

Арзимаган баҳонада зиёфат қиламан демасам, шу масалада Эркин Воҳидовга маслаҳат солмасам, олам-гулистон эди. Ўйлаб қарасам, биринчи ҳикоям чиққанига қирқ йил бўпти. Шуни дўст-биродарлар билан нишонлагим келди.

— Ие, бу тарихий воқеа-ку! — деди Эркин ака қувониб. — Бунақа байрамни нишонламаса гуноҳ бўлади! Банкетни қайси ресторанда қилмоқчисиз?

— Ҳайронман, — дедим иккиланиб. — Уйда йиғилиб қўя қолсакмикин...

— Жуда тўғри! — деди Эркин ака маъқуллаб. — Аммо бир нарсани олдиндан айтиб қўяй. Сиз ўзингизни ортиқча уринтирманг, хўпми? Бир хилларга ўхшаб иккита қўй сўйиш шартми? Битта бўлса етади! Жудаям катта қўчқор бўлиши шартмас. Ҳа, боринг ана эллик килоли бўлақолсин. Тоғ кўкатларини еган қора қўчқорнинг кабоби бошқача бўлади. Зомин тоғими, Нуротами, майлида...



Қўй сўйиш деган гап хаёлимдаям йўқ эди. Шуни айтай деб, энди оғиз жуфтлаган эдим, Эркин ака янаям меҳрибонроқ оҳангда давом этди.

— Сиз қийналманг дейман-да! Баъзиларга ҳайронман. Газакка қази-қарта, курка гўшти, тандир кабоб, қоқланган қизил балиқ, немис пишлоғи, Гуржистон бринзаси, лик-лик холодец, мариновка қилинган қўзиқорин, криветка — булар-ку майли, дастурхоннинг кўрки, икки хил икра олишга бало борми? Ҳам қора икра, ҳам қизил икра! Сиз биттасини олинг, тамом! Узоқ шарқнинг қизил икраси бор. Осетрина балиғиники. Ҳар биттаси анор донасидек келади. Ўшандан биттагина банкасини оласиз. Чиройли тунука банка...

Ичимдан узун хўрсиниқ келди. Гапирай десам овозим чиқмайди. Эркин ака завқ-шавқ билан давом этаяпти:

— Хў-ўш, таом масаласи, яъни меню. Баъзан қуда чақириққа борасиз, банкетга, юбилейга борасиз... Исрофгарчиликни кўриб, ҳайрон қоласан. Бир эмас, ўн беш хил овқат тортишади-ей! Сиз ўн икки хилини қилсангиз кифоя. Биринчисига бедана шўрва, Қўқоннинг "кўза шўрваси". Кейин хўл норин, иссиққина хасип, сомса... Айтмоқчи, сомса масаласи... Одамлар аллақандай алмойи-алжойи рекламалар ўйлаб топади. Бир куни кўчада кетаётсак, "Сомсанинг додаси" деб ёзиб қўйишибди. Буниси "сомсанинг додаси" бўлса, "онаси" қаёкда деб сўрайдиган одам йўқ. Ўзимизнинг пармуда сомсадан буюраверинг. Сиз қийналманг, дейманда! Кабоб икки хил бўлса кифоя. Жазли кабоб билан қийма кабоб. Жа, кўнглингиз бўлмаса, думба-жигар ҳам тортиб қўяқоларсиз. Ундан кейин янгича таом удум бўлган, арабча қовурдоқ. Беш ойлик тўқли-қўзичоқнинг миён қовурғасидан қилинади. Устига қаймоқ солинган француз котлети ҳам лаззатли таом... Табака масаласи. "Буш оёғи" деган гапни эшитганмисиз? Ҳозирги Буш эмас, унинг отаси президент бўлган замонда америкаликлар дори билан боқилган товуқ ейвериб, семириб кетишган. Борганингизда ўзингиз ҳам кўрган бўлишингиз керак. Шунинг учун табакани товуқдан қилманг. Ўрмончи Мансурхўжага айтсангиз, ўн-ўн бешта қирғовул оттириб қўяди. Қирғовулнинг табакаси бошқача бўлади... Охирида ош тортасиз. Асаканинг Чўнтагидаги чойхоначидан илтимос қилсангиз, девзирадан қулинг ўргилсин ош дамлайди.

Оғзим машинаси ўғирлаб кетилган гаражнинг дарвозасидек ланг очилиб қолган бўлса керак. Эркин ака кўзимга хавотирланиброқ тикилди.

— Ёзиб олаяпсизми? Эсингиздан чиқмайдими?

— Чиқмайди, — дедим йиғламоқдан бери бўлиб. — Бунақа гапларни унутиб бўларканми? Минг раҳмат сизга! Мунча меҳрибонсиз?!

— Сиз қийналманг дейман-да! Меҳмонлар неча киши ўзи? Ўнтами? Биласиз, мен ичмайман. Аммо дастурхонда анави сабил турмасаям бўлмайди. Бир яшик тоза арoқ, бир яшик француз коньяги бемалол етади. Ҳа, айтмоқчи, Голландиянинг "Хайникен" деган пивоси бор. Ўшандан бир қутигина олсангиз, бошқа нарса керакмас! Мева-чева бемалол. Хандон писта, бодом, нўхат, майиз. Оқ кишмиш сал камёброқ. Фақат космонавтлар ейди. Эски жўвадаги Мирваққос баққолга менинг номимдан илтимос қилсангиз, уч-тўрт кило топиб беради. Олма, анор, нок, узум ўзимизнинг мевалар. Бозорда нима кўп, банан кўп. Ортиқча уриниб юрманг-да, жон бошига бир шодадан банан, икки кишига биттадан ананас олсангиз, етади.

— Эркин ака, — дедим йиғламсираб, — меҳмонлар тарқаётганда, елкасига тўн ёпайми?

— Ана шуниси шартмас. Ҳечам шартмас! Бу одатни ким ўйлаб топган ўзи? Қаёкка борсанг тўн беради. Ҳамманинг уйида сандиқ-сандиқ тўн! Сиз бундай қилинг! Меҳмонларнинг ўлчовини сўраб олинг-да, биттадан костюм-шим олиб қўяқолинг. Биласиз, "Версачи" деган машҳур фирма бор. Ўшанинг костюми ҳам чиройли, ҳам модний бўлади. "Оптовий"дан олсангиз, 400 доллардан беради.

— Бир нарса сўрасам майлими? — дедим ўпкам тўлиб. — Мабодо биттагина вертолёт олиб, меҳмонларни уй-уйига вертолётда обориб қўйсам нима дейсиз?

— Керакмас! — деди Эркин ака бош чайқаб. — Биринчидан, вертолёт хайдашга учувчи керак, иккинчидан ҳеч кимнинг уйида вертолёт қўнадиган майдон йўқ. Биттагина "Дамас" олсангиз бўлди. Сиқилишиброқ ўтирса ўн киши сиғади. Шўпирликни ўз зиммамга оламан. Меҳмонларни уй-уйига обориб қўяман-да, машина меникида қолаверади. Сиз қийналманг, дейман-да!

— Мабодо, — дедим ҳиқиллаб. — Мабодо зиёфатдан беш-ўн сўм ортиб қолса, ўшанга арқон берармикин?

— Беради! Албатта беради. Нима кўп — хўжалик дўкони кўп. Арқоннинг пишиғидан олинг. Ингичка бўлсину, пишиқ бўлсин. Ундан кейин жудаям узун бўлиши шарт эмас. Бўлмаса одамнинг оёғи ерга тегиб қолиши мумкин. Сиз қийналманг, дейман-да! Аммо бу ишни жиндак кечиктириб турасиз. Асарингиз чиққанини яна уч марта нишонласангиз, арқонни меҳмонларнинг ўзи олиб боради.

...Шундай бўлди. Ҳаётимдаги "тарихий воқеа"ни зўр "тантана" билан нишонладик. Чақарда. Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, мен — учовлашиб бир косадан лағмон едик. Ёлғон бўлмасин, бир шишадан пиво ҳам ичилди. Ўзимизинг "Қибрай" пивоси.

# БУЛУТЛАР ВА ОЛМА




Элликдан ортиқ шеър ва ҳажвияларимдан иборат илк китобимнинг ўнтасини адабиётни яхши тушунадиган дўстларимга ҳадя этдим. Аммо бир ҳафта ўтдики, бирортаси китобимга муносабат билдирмади. Ўкинчли аҳволга тушиб қолдим.

— Китоб қандай чиқибди? — ортиқ чидолмай дўстларимдан бирига сим қоқиб, фикрини сўрадим.

— Гап йўқ, — деди у мени чин дилдан қутлаб. — Зўр чиқибди. Лекин муқовадаги расмда булутлар ичида чизилган олмага унча тушунмадим. Нима демоқчи бўлгансан?

— Билмадим, — тўғрисини айтдим. — Мусаввир шеърларимни ўқиб чизган-да.

— Барибир зўр, яша ошна. — У нимаси зўрлигини сўраб қолишимни билгандек, ҳали оғиз жуфтламасимдан телефон дастагини қўйишга улгурди.

Иккинчи дўстим китобга сўзбоши ёзилмаганини танқид қилди. Ўқувчи китобда нималар ёзилганини сўзбошини ўқиб билгани дуруст эмиш.

Учинчи дўстим мени хасисликда айблади. Китобнинг муқоваси қалин бўлиши керак, дея бу борада у билан маслаҳатлашмаганимдан ўпкаланди. Чунки муқова шоирнинг дидини белгилар экан. Иккинчидан, ҳар бир бетда биттадан шеър бўлса китобнинг салмоғи ошар эмиш. Баъзи шоирларнинг тўртлиги ҳам алоҳида саҳифада берилиши бежиз эмаслигини айтаркан, у келгусида бу камчиликни бартараф этишимни уқтириб ўтди.

Шеърларим ҳақида бирор бир фикр эшитиш илинжида муҳаррир дўстимнинг ишхонасига йўл олдим. У мени қучоқ очиб қаршилади, қўлимдан китобни оларкан:

— Зўр чиқибди, — деди китоб муқовасига маҳлиё бўлганини яширмай. Буни унинг китобга тикилиб қолганидан ҳам билса бўларди. — Булутнинг ичида олма нима қилиб юрибди? — деди у ўриндиғига чўкиб.

Мен елка қисдим ва китобни кўздан кечиришини, сўнг фикрини айтишини сўрадим.

— Оқшом уйда ўқиб чиқаман, — деди у қабул маросими тугаганини маълум қилгандек ўрнидан туриб. — Эртага ишдан кейин тўғри шу ерга кел.

У мени китобим чиққани билан яна бир бор табриклаб, йўлаккача кузатиб қўйди.

Эртаси куни муҳокама давом этди.

— Зўр чиқибди. Лекин тушунмаяпман, ахир, булутлар ичида олма ўсмайди-ку!

— Билмадим, мусаввир чизган...

— Ҳа майли, барибир зўр. Хўп кетдикми?

Муҳаррир дўстимнинг ўрнидан турганини кўриб ҳайрон бўлдим.

— Қаерга?

— Китобни ювамиз.

Мен ноилож ўрнимдан туриб унга эргашдим.

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ**

# Дунё—кенг...



## ЁНДОШ ОЛАМДАГИ "ҚИЁФАДОШ"

**Ҳанузгача одам зоти билан боғлиқ сиру синоатлар, жумбоқларнинг аксариятига изоҳ ёки илмий жавоб берилгани йўқ. Масалан, матбуотда шундай воқеани ёзишганди. Қўлидан ажралган одам йўқ қўлининг оғриётганидан шикоят қилади. У қўлига ёғоч қипиқлари илашганини, бир бармоғи михга қадалиб азоб бераётганини айтади. Ҳалокат оқибатида аллақачон қўлидан ажралган кишининг яқинлари унинг бу гапларини эшитиб шўрлик ақлдан озганмикан, дея шубҳаланишади. Шу пайт беморнинг ёнида бўлган хирург ҳам ҳайратга тушади ва ҳалокат содир бўлган жойга — заводга бориб, ёғоч қутилар орасидан қипиққа беланган қўлни топади. Энг қизиғи, қўлнинг бир бармоғига санчилган михни кўриб донг қотиб қолади. Айни шу пайт бемор худди эсанкираётгандай: "Қўлимни ювишаяпти. Михни суғуришаяпти. Энди бироз оғриқ қолди", дейди.**

Ушбу воқеадан бирор-бир хулоса чиқаришдан олдин машҳур француз олими Г.Дюрвилнинг ўтган асрнинг 20-йилларида ўтказган ғаройиб тажрибаларини эслайлик. Олим қоронғу хонада кўплаб шоҳидлар иштирокида бир одамни гипноз ҳолатига солиб, ундан "қиёфадош"ини ("двойник") ажратар, бу "қиёфадош" кўзга кўринар, сезар, кўрар, эшитар, айрим ҳаракатларни бажарар ва ҳатто ўзига мурожаат этганларга муносиб тарзда жавоб қайтарар эди...

Дюрвил фаолияти давомида мингга яқин ана шундай ҳужжатлаштирилган, батафсил қайд этилган тажрибаларни амалга оширган. Хонада рўй берган бу мўъжизаларни иштирокчиларнинг ҳаммаси эмас, балки нозик руҳий қобилиятга эга бўлган кишиларгина аниқ кўришган. Бироқ шарпани ўз кўзлари билан кўрмаган иштирокчилар ҳам унинг хонада ҳозирлигини ҳис этишган, ўзидан чиқараётган ҳар хил товушларни эшитишган.

Албатта, кўплаб машҳур олимлар, жумладан, Парацельс, Ньютон, Кант ва бошқалар ҳам парапсихологик тажрибалар ўтказишган. Бироқ Дюрвил обрўли олимлар орасида биринчилардан бўлиб, одамлар дунёси билан мустаҳкам боғланган, турли хил кўплаб мавжудотларни бирлаштирган қандайдир ёндош олам мавжуд деган хулосага келган ва бу ҳақда очиқ ёзган.

Ўзининг кўплаб тажрибаларидан келиб чиқиб, Дюрвил қуйидагича хулосаларга келган: одам танасининг иккига, яъни асли ва "қиёфадош" тажрибалар орқали тасдиқланган. Демак, моҳиятан одам жисмоний тана ва жон (руҳ) деб аталадиган, қобиқ (парда)дан ташкил топган. "Қиёфадош" танадан ташқарида ҳаракат қилишга қодирлиги боис, ўлимни бошидан кечиради ва тирик қолади.

Қадимги мисрликлар одамнинг танаси — қобиқ, шахси эса кўз илғамайдиган ҳолатда мавжуд, деб ишонишган. "Қиёфадош" учун жисмонан тирик тана жуда муҳим. Чунки танадан ташқарида қанча бўлишидан қатъи назар, у ўз "уйига" қайтгандай тирик танага бемалол қайтади.

Мутахассислар фикрича, мисрлик фиръавнлар ўз таналарига қайғуриб, ўлимларидан кейин жасадларини бекорга мўмиёлашни буюришмаган. Айрим қоҳинлар махсус маросимлар ёрдамида марҳум фиръавнларнинг "қиёфадош"ларини чорлаб, уларга маслаҳат сўраб мурожаат этишган.

"Қиёфадош"лар одамнинг ўзидан кўра, жисмоний тана тақдири ҳақида кўп нарсани "билади", дейишади олимлар. Кўплаб улуғ инсонлар ҳаётлари давомида доимо тақдир "қўли"ни ҳис этишганини ёзишган. Наполеон Бонапарт ўзини кимдир ёки нимадир бошқараётганини ҳис этишини кўп гапирган. "Мен ўзимга маълум бўлган мақсад сари бораётганимда мени ҳеч қандай куч тўхтата олмайди — мени ташқи бир куч бошқаради. Бироқ мақсадга эришиб бўлганимдан сўнг оддий бир зарра ҳам мени маҳв этиш учун етарли бўлади", деган гапни у бир неча бор такрорлаган. Напалеоннинг жасорати, ўзига бўлган ишончининг манбаини мутахассислар ана шу — ёндош оламдаги "қиёфадош" билан боғлашади.

Ўзбекистон давлат табиат музейи маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси бош ҳисобчиси Муқаддас Рихсиевага падари бузруквори

**Мирҳошим ОТА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЎЙИН ТАҚДИРИ... АЁЛЛАР ҚЎЛИДА

Футболда нималар бўлмайди, дейсиз. Баъзан ҳатто энг зукко кузатувчиларнинг ҳам башоратлари тўғри чиқмайди. Германиянинг яшил майдонларида давом этаётган жаҳон чемпионатида қайд этилаётган баъзи ҳисоблар томошабинлардан аввал футбол мутахассисларини ҳам ҳайратга солмоқда. Бу гап, биринчи навбатда, Франция жамоасига тегишли. Франция термаси ўз майдонида кимсан Бразилияни енгиб, биргина Зиданнинг ўзи номдор рақиблари дарвозасига иккита тўп йўллаб чемпион бўлишгани ёдимизда. Аммо бу ютуқдан кейин ишлар чаппасидан кетди. Жанубий Корея ва Японияда омад улардан мутлақо юз ўгирди. Кўпчилик бу гал францияликлар майдонда нималарга қодир эканликларини намойиш этишади, деган фикрда эди, аммо ўйин натижалари бунинг аксини кўрсатиб турибди. Жумладан, Жанубий Корея футболчилари билан бўлган учрашувда яна дуранг қайд этилди. Энг қизиғи, собиқ жаҳон чемпионларининг фикрича, футбол майдонидаги яшил майсанинг меъёридан ортиқ даражада ўсиб кетгани яхши ўйин кўрсатишга ҳалақит бераётган эмиш. Бу гапни мезбон мутасаддилар мутлақо рад этишди.

Мексика — Ангола учрашуви ҳам дуранг натижа билан тугади. Холис гапни айтганда, бу икки жамоанинг имкониятларини тенг баҳолаб бўлмайди. Мексикаликларда маҳорат ҳам, тажриба ҳам анча баланд. Шунга қарамай, 90 минут давомида дарвозаларга тўп киритишнинг иложи бўлмади. Бой берилган имкониятни хаспўшлаш керак бўлди шекилли, "анголаликлар афсунгарлик йўли билан ўз дарвозаларини дахлсиз сақлаб қолдилар", деган гап тарқалди. Бошқа бир жамоа рақиб томон ишқибозларининг ўйингоҳдаги ҳаддан ортиқ бақир-чақири асабларига тегканлигини маълум қилди. Футболдагина эмас, бошқа соҳаларда ҳам, ютқазиб қўйганингдан кейин, ҳеч бўлмаса, дурустроқ бир баҳона ўйлаб топиш керак-да.

Португалияликларнинг шашти баланд. Қитъа биринчилигида, боз устига, ўз уйларида деярли нақд бўлиб турган ғалабани қўлдан чиқариб юборишгани яна анча йиллар ёдларидан чиқмаса керак. Шу боис, улар ҳар учала учрашувда ғалабага эришиб, "Олтин маъбуда"га даъвогарлик қилишлари мумкин эканлигини эслатиб туришибди.

Иккинчи учрашувдан кейин Олег Блохин раҳбарлигидаги Украина жамоасига эътибор яна кучайди. Улар Саудия Арабистони футболчиларини 4:0 ҳисобида енгиб, чиройли ўйин кўрсатдилар. Бу учрашувда бундан буён "Чэлси"да тўп сурадиган Андрей Шевченко бор маҳоратини намойиш этди. Саудияликлар эса учрашувнинг якунловчи қисмида рақибларининг шиддатли ҳужумларига дош бера олмадилар.

Мухлислар эронлик футболчилардан кўп нарса кутишган эди. Аммо бу умид ўзини оқламади. Жамоанинг Али Дои, Каримий каби тажрибали ўйинчилари майдонда анча суст ҳаракат қилдилар.

Бўлиб ўтган қатор учрашувларда бир ҳолат кўзга ташланади. Ғалабага даъвогар жамоаларнинг ўйин тактикаси анча пухта ўйланган. Улар ҳар бир учрашувда ўйин суръатини охиригача бир хилда сақлаб қоладилар. Осиё ва Африкадан келган жамоаларда эса ўйин тугашига 15-20 минут қолганида чарчоқ аломатлари кўзга ташланади.



Аргентина — Голландия учрашувида 0:0 ҳисоби қайд этилди. Аслида, бу учрашув натижаси катта аҳамиятга эга эмасди. Гуруҳда ким ғолиб чиқиши ҳам аниқ бўлиб қолганди. Шу боисми, ҳар икки томон майдонда бироз эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдилар. Чунки асосий "жанг"лар ҳали олдинда.

Жаҳон чемпионлари бўлмиш Бразилия жамоаси олий мақсад сари дадил бормоқда. Улар тўғрисида гап кетганда "Бразилия — оғир паровоз, ўрнидан қўзғалиши қийин, юриб олганидан кейин эса уни деярли тўхтатиб бўлмайди", дейишади. Аввалги жаҳон чемпионатларида бу гапнинг нақадар тўғри эканлигига кўп бор ишонч ҳосил қилганмиз. Афтидан, бу гал ҳам айни шундай бўладиганга ўхшаб турибди.

Майдон эгалари хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Немис футбол машинаси бугун аъло даражада эканлигига ҳозирнинг ўзидаёқ ҳеч кимда шубҳа йўқ.

Англия-Швеция учрашувини (2:2) чемпионатнинг энг яхши футбол спектакли, деб баҳолаш мумкин.

Бугун бутун планета футбол билан нафас олмоқда десак, муболаға бўлмайди. Номи оламаро машҳур Пеле, Марадона, Эйсебио каби тўп усталари, Загало каби машҳур мураббийлар шу ерда. Ўз жамоаларини янги иқтидорли ўйинчилар билан тўлдириш мақсадида бу ерга келган футбол бизнеси мутахассислари ҳозирнинг ўзидаёқ Того, Ангола, Гана каби давлатлардан келган чарм тўп усталарининг айримларини кўз остиларига олиб қўйдилар. Чунки жаҳон биринчилиги катта футбол бозори ҳам ҳисобланади.

Саудия Арабистони раҳбарлари мамлакат футбол жамоаси ҳисобига катта миқдорда пул ўтказиб беришди. Украиналик футболчиларнинг ҳар бирига, бордию улар "Олтин маъбуда"ни қўлга киритсалар, бир миллион доллардан мукофот пули ваъда қилинди. Англия бош вазири ўз жамоасини ғалаба билан шахсан қутлади. Тоголиклар эса жаҳон биринчилигига йўлланмани қўлга киритганликлари учун бериладиган маблағни ололмай, анча-мунча тўполон ҳам қилишди. ФИФА ижроқўми аъзоси Исмоил Бҳамжининг қилиғи эса ҳаммасидан ошиб тушди. Бу мансабдор шахс чипталарни чайқов баҳосида пуллагани учун Германияни шармандаларча тарк этишга мажбур бўлди. Эҳ, пул ўлсина, пул ўлсин, деворгинг келади-да.

Майдонда футболчилар тўп суриб, ишқибозларга олам-олам завқ-шавқ бағишламоқдалар. Стадионларни тўлдириб турган ишқибозларга эътибор беринг. Бразилия кўчаларида ўтадиган анъанавий карнавалларни эслатувчи ажойиб-ғаройиб либослар, ранглар, бўёқлар. Турфа хил ноғора, сурнайларнинг овозидан ўйингоҳ ларзага келади. Ҳар оқшом дунё аҳолисининг маълум қисми телеэкран қаршисига ўтиради. Бир жойда аёллар "футбол деса ҳамма нарсани унутадиган, хотинларига эътибор ҳам бермайдиган эркаклар"га қарши "исён" кўтаришибди. Бунинг акси, бошқа бир жойда, аниқроғи аёллар монастрида ишқибоз аёллар гуруҳи тузилибди. Бразилияда, аввалари ҳам бўлганидек, командалари ғалабага эришганда, полициячилар баъзи сархуш ватандошларига бироз шафқат қилишаётганмиш.

Бу ҳам майли, ўйингоҳларга тўпланган ишқибозларни кўринг — улар орасида аёллар жуда ҳам кўп, гўёки дунёнинг жамики гўзал, соҳибжамолларини йиғиб келишгандай... Мухлисалар, маъшуқалар, маҳбубалар ўйинчиларни шу қадар қутлашмоқдаки, умрида оёғи тўп кўрмаган эркак ҳам бу ишваю карашмалар олдида камида Марадона бўлиб кетади. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, эркаклар футбол ўйингоҳларидаги ўринларини ҳам аёлларга бўшатиб беришлари ҳеч гап эмас.

**М.АҲМЕДОВ**

*Баҳрам ҳазиллари*



Нурмамат АЛМУРОДОВ

## СИЗГА КИМ АЙТДИ?

Тележурналист Йўлдош Исмоилов навбатдаги кўрсатувни тайёрлаб, «Ҳуррият» газетаси масъул котиби Ҳаким Сатторий билан чойхонада гурунглашиб ўтиришган эди. Ҳаким Сатторий суҳбатни қизитиш учун оламда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан сўз бошлади, Йўлдош Исмоилов шу заҳотиёқ:

— Ҳа, бундан хабарим бор, — деб шеригининг гапига эътибор бермади. Ҳаким Сатторий унинг нималардан хабари бору, нималардан хабари йўқлигини билиш учун ўйланиб қолди. Телеижодкор ҳамиша бошқалардан олдинда юриши керак деб билган Йўлдош Исмоилов қаерда, қачон ва қайси мавзуларда гап кетмасин «Ҳа, бундан хабарим бор», деб барча қаламкаш дўстларини ҳайрон қолдириб келар эди. Ҳаким Сатторийнинг хаёлига тўсатдан шумлик қилгиси келиб қолди:

— Эшитдингизми? Йўлдош Исмоилов қизини турмушга берибди.

— Ҳа, бундан хабарим бор, — деди Йўлдош одатдагидек бўш келмай.

— Яна ўша акамиз уйини сотиб, қишлоғига кетмоқчи экан...

— Ҳа, бундан ҳам хабарим бор, — деб юборди у.

Ҳаким Сатторий «пиқ» этиб кулди. Йўлдош дарҳол ҳушёр тортиб қолди:

— Одамни чалғитманг-да, — деб қизишган бўлди. — Мен... уйимни сотмоқчи эмасман. Ким айтди сизга?

## ТУШУНМАДИМ

Каминанинг илҳоми жўшиб, укажўрам — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бўлим муҳаррири Абдураззоқ Каримов ҳақида икки оғизгина ҳазил ёзган эдим. Бахтимни қарангки, Абдураззоқ укамиз шуни кўзга илиб ўқибди. Ҳатто ёдлаб ҳам олибди. Раҳмат, дейман, албатта.

Кеча тушлик маҳали таҳририят биноси олдида учрашиб қолдик. Анча вақтдан бери мени излаб юрган экан. Салом-алик қилгач:

— Бу ёққа юринг, кетдик, — деди жиддий, — сизга ёзманг дегандим-ку, ниҳоят мен ҳақимда ҳам ёзибсиз-да.

Ҳазилим ёқиб, тушликка яхшилаб эрир экан-да, деб суюниб орқасидан эргашдим, йўлда:

— Қайси ошхонага борамиз, — деб сўрадим иштаҳам карнай бўлиб.

У қовоғини уйди ва:

— Судга, — деди.

## ЎЗИНГИЗНИНГ ЖАҲЛИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Янги ташкил этилган таҳририятга мақола, фотосурат олиб борган эдим. Ҳалима Ҳаким қизи деган ҳамкасбим дуч келиб қолди. Ҳангомаларимни қизиқиб ўқиб бораётган экан.

— Ўша киши сизми? — деб сўради.

— Ҳа, менман, дедим ғурур билан ва нима эди? — деб сўрадим.

— Яна мен ҳақимда ҳам ёзиб юрманг-а, — дея огоҳлантирди у, — эримнинг жаҳли ёмон.

— Эрингизни қўя туринг, ўзингизнинг жаҳлингиз қандай? — деб кулдим мен.

## ЁН ДАФТАРДАН

Қаламинг қанча ўткир бўлса, шунча тез синади...

* * *

Китоб ёзганларнинг ҳаммаси ҳам ёзувчи эмас.

* * *

У эски туллаклардан эди. Соқоли оқарса ҳам ҳеч ким кўнгли тозалигига ишонмади.

* * *

Ёлғон гапирсанг ҳам, тўғрисини ёз!

* * *

Телевизоринг бўлса жуда яхши. Бўлмаса ундан ҳам яхши: рекламадан безор бўлмайсан.

* * *

Бу дунёдан ўлик кетма — тирик кет!

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи — Носиржон ЖЎРАЕВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3722. Буюртма Г — 849. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН